

## ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ТРАНСПОРТ ҲУҚУҚИ: ШАРИАТ ВА ОДАТ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИНИНГ УЙҒУНЛАШУВИ

**Оппоқхонов Азизхон Акмалхон ўғли**

Тошкент давлат транспорт университети мустақил изланувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20811595>

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги (Мовароуннаҳр) транспорт ва логистика муносабатларининг ҳуқуқий табиати чуқур таҳлил қилинган. Тадқиқотда мазкур соҳанинг соф императив давлат буйруқбозлигидан шариат ва одат ҳуқуқига асосланган мураккаб фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимига ўтиш жараёни ёритилган. Хусусан, юк ташиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда пудрат, ижара, мудораба ва мушорака шартномаларининг ўрни, зарар учун жавобгарлик масалалари, шунингдек, транспорт инфратузилмасини молиялаштиришда вақф институтининг беқиёс аҳамияти очиб берилган. Мақолада ислом ҳуқуқи (муомалот қоидалари) ва маҳаллий карвон урф-одатларининг ўзаро уйғунлашуви минтақани асрлар давомида Евроосиёнинг энг барқарор логистика марказига айлантиргани илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** транспорт ҳуқуқи, логистика, шариат нормалари, одат ҳуқуқи, вақф институти, мудораба, мушорака, карвонсарой, Мовароуннаҳр, юк ташиш шартномаси.

**Abstract:** This article provides an in-depth analysis of the legal nature of transport and logistics relations in the territory of Uzbekistan (Movarounnahr) during the Middle Ages. The study highlights the transition of the sector from pure imperative state control to a complex system of civil-legal relations based on Sharia and customary law. Specifically, it reveals the role of contracting, leasing, mudarabah, and musharakah agreements in ensuring freight and passenger safety, issues of liability for damages, and the unparalleled significance of the waqf institution in financing transport infrastructure. The article scientifically substantiates that the harmonization of Islamic law (muamalat rules) and local caravan customs transformed the region into Eurasia's most stable logistics hub for centuries.

**Keywords:** transport law, logistics, Sharia norms, customary law, waqf institution, mudarabah, musharakah, caravanserai, Movarounnahr, contract of carriage.

**Аннотация:** В данной статье проводится глубокий анализ правовой природы транспортных и логистических отношений на территории Узбекистана (Мавераннахр) в средние века. В исследовании освещается

процесс перехода данной отрасли от чисто императивного государственного диктата к сложной системе гражданско-правовых отношений, основанной на шариате и обычном праве. В частности, раскрывается роль договоров подряда, аренды, мударабы и мушараки в обеспечении безопасности грузоперевозок и пассажиров, вопросы ответственности за ущерб, а также неопределимая значимость института вакфа в финансировании транспортной инфраструктуры. В статье научно обосновывается, что гармонизация исламского права (правил муамалат) и местных караванных обычаев превратила регион в самый стабильный логистический центр Евразии на протяжении веков.

**Ключевые слова:** транспортное право, логистика, нормы шариата, обычное право, институт вакф, мудараба, мушарака, караван-сарай, Мавераннахр, договор перевозки.

Жаҳон тамаддуни тарихида ўрта асрлар Мовароуннаҳр ҳудудидаги транспорт ва логистика муносабатлари нафақат ўзининг улкан иқтисодий миқёси, балки ушбу трансминтақавий жараёнларни тартибга солувчи ноёб ва мукамал ҳуқуқий механизмлари билан ҳам ажралиб туради. Бу даврга келиб транспорт ҳуқуқининг эволюцияси давлатнинг соф императив таъсир доирасидан чиқиб, ислом ҳуқуқининг молиявий-иқтисодий қоидалари (шариат ва муомалот) ҳамда асрлар синовидан ўтган маҳаллий одат ҳуқуқи нормаларининг мураккаб синтезига асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимига қадам қўйди. Карвон қатнови билан боғлиқ юқори таваккалчилик, турли юрисдикцияларни кесиб ўтувчи узун маршрутлар ва хилма-хил маданий иштирокчиларнинг мавжудлиги логистика бошқарувини фақат жазо усуллари билан эмас, балки адолатли шартномавий муносабатлар, мулкий жавобгарлик ва ижтимоий суғуртанинг муқобил механизмлари билан таъминлашни тақозо этди. Шу нуқтаи назардан, мазкур тарихий даврдаги транспорт ҳуқуқи генезисини тадқиқ этиш замонавий логистика ҳуқуқининг диспозитив асослари ва инфратузилмани молиялаштиришнинг қадимий моделларини англаш имконини беради.

Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрлардаги транспорт ва логистика муносабатлари нафақат савдо-сотиқнинг иқтисодий кўлами билан, балки ушбу жараёнларни тартибга солувчи ўзига хос ва мураккаб юридик механизмлари билан ҳам жаҳон тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу даврда транспорт ҳуқуқининг эволюцияси соф императив (давлат буйруқбозлиги) шаклидан чиқиб, ислом ҳуқуқи (шариат) ва маҳаллий одат ҳуқуқи



FRANCE



FRANCE

нормалари мажмуига асосланган мукаммал фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимига ўтди<sup>1</sup>. Ўрта асрларда транспорт ва карвон қатнови юқори даражадаги таваккалчилик, улкан масофалар ва кўп миллатли иштирокчиларни қамраб олганлиги сабабли, уларни фақатгина маъмурий-жазо усуллари билан бошқаришнинг иложи йўқ эди. Шу боис, транзит йўлакларидаги юк ташиш, йўловчилар хавфсизлиги ва инфратузилмани сақлаш масалалари бевосита шариатнинг молиявий-иқтисодий (муомалот) қоидалари ҳамда асрлар давомида шаклланган дашт ва карвон одатлари орқали тартибга солинган<sup>2</sup>.

Шариат нормалари доирасида транспорт муносабатларини тартибга солувчи энг марказий ва фундаментал институт бу пудрат ва ёллаш шартномаси ҳисобланган. Ислом фикҳида транспорт воситаларини (от, туя, хачир ёки араваларни) маълум бир муддатга ёки масофага ижарага олиш, шунингдек, карвонбоши ва йўлбошчиларни (сарбонларни) ёллаш айнан шу шартнома асосида расмийлаштирилган<sup>3</sup>. Бу ўринда диққатга сазовор жиҳати шундаки, шариат қоидалари фақатгина юк эгасининг (савдогарнинг) манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, балки ёлланган ишчиларнинг ва ҳатто юк ташувчи ҳайвонларнинг ҳуқуқларини (меҳнат муҳофазасини) ҳам қатъий белгилаб берган. Масалан, шартномада юкнинг аниқ оғирлиги, манзил ва ҳаракатланиш маршрути олдиндан келишилиши шарт бўлган. Агар савдогар ҳайвонга белгиланганидан ортиқча юк ортса ёки сарбонни хавфли, келишилмаган йўлдан юришга мажбур қилса, бу шартноманинг бузилиши (фосид) сифатида баҳоланган<sup>4</sup>. Бу эса, моҳиятан, транспорт соҳасидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш шароитларини нормативлаштиришнинг илк ўрта асрлардаги ўта инсонпарвар кўринишидир.

Транспорт ҳуқуқи тарихи бўйича йирик олимлардан Т.Л.Мигунова ва Т.Г.Минеевалар ўрта асрлардаги транспорт тизимларида хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг уйғунлашуви мураккаб молиявий институтларни келтириб чиқарганлигини таъкидлайдилар<sup>5</sup>. Бу фикрни Марказий Осиё

<sup>1</sup> Федина А.С., Егоров К.Б. История становления мусульманской правовой системы //Вестник научной ассоциации студентов и аспирантов исторического факультета Пермского государственного гуманитарно-педагогического университета. Серия: Studis historica juvenum. – 2011. – №. 1 (7). – С.117-121.

<sup>2</sup> Saidjalolov S. S., Saidxanbaleva R. S. Mahmud Zamaxshariyning muomalot masalalarini dalillashdagi uslubi //Универсальный индекс библиотеки науки и инноваций. – 2024. – Т. 2. – №. 17. – Б. 60-63.

<sup>3</sup> Yusuf M. Sea versus land: Middle eastern transportation during the Muslim era //Der Islam. – 1996. – Т. 73. – №. 1. – P.232-258.

<sup>4</sup> Убайдуллаев А.Қ. Ислом тарихи ва ҳуқуқ ривожидида иқтисодий ва ҳуқуқий келишувлар: назарий ва тарихий таҳлил //Pedagogy. – 2025. – Т. 1. – С. 52-57.

<sup>5</sup> Мигунова Т.Л., Минеева Т.Г. История транспортного права. Ч. I. Древний мир и средние века: монография. – Н.Новгород: Изд-во ФГБОУ ВО «ВГУВТ», 2018. – С. 58.



амалиётига татбиқ этсак, юк ташиш жараёнидаги зарар ва йўқотишлар учун жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилинганлиги яққол намоён бўлади. Ислон ҳуқуқида карвонбоши юкка нисбатан “омонатдор” (ишончли вакил) мақомида бўлган. Агар юк табиий офатлар (форс-мажор) ёки қуролли қароқчиларнинг ҳужуми каби енгиб бўлмас куч оқибатида йўқотилса, карвонбоши моддий жавобгарликдан озод қилинган. Бироқ, зарар ташувчининг ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши, қўриқчиларни ухлаб қолиши ёки нотўғри йўл танлаши оқибатида келиб чиқса, у тўлиқ мулкый жавобгарликни (дамон) ўз зиммасига олган. Ушбу ёндашув қадимги Рим ҳуқуқидаги кема ва сарой эгаларининг мутлақ, айбсиз жавобгарлигидан (*receptum nautarum*)<sup>6</sup> фарқли ўлароқ, анча адолатли ва ташувчининг меҳнат шарт-шароитларини инобатга олувчи диспозитив механизм бўлган, деган хулосага келамиз.

Расмий диний қонунчилик (шариат) билан бир қаторда, транспорт муносабатларининг кундалик, амалий ва техник хусусиятлари маҳаллий одат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган. Одат ҳуқуқи, айниқса, карвонларнинг ички иерархиясини, йўлда ҳаракатланиш тартибини, қудуқлар ва яйловлардан навбат билан фойдаланиш қоидаларини мукамал белгилаб берган. В.М. Корякин транспорт ҳуқуқининг генезисида қуруқликдаги ташув турлари (гужевой ва вьючный транспорт)<sup>7</sup> бевосита табиий-географик омиллар ва маҳаллий урф-одатлар таъсирида ўзига хос ҳуқуқий режимларни яратганлигини асослайди<sup>8</sup>. Ҳақиқатан ҳам, Қорақум ёки Қизилқум орқали ўтувчи карвонлар учун сув ҳавзалари яқинида тўхташ, бемор ёки жароҳатланган карвон аҳлига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, йўлда ўлган ҳайвонларнинг юкини бошқа савдогарлар ўртасида ўзаро ёрдам тариқасида бўлишиб олиш каби ёзилмаган, аммо қатъий бажарилиши шарт бўлган одат нормалари шаклланган эди. Бу нормалар карвоннинг яхлитлигини ва унинг аъзолари хавфсизлигини кафолатловчи ўзига хос ижтимоий суғурта вазифасини ўтаган.

Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида транспорт инфратузилмасини (карвонсаройлар, кўприклар, йўл кўрсаткич миноралари, қудуқлар) молиялаштириш ва сақлаш борасидаги ҳуқуқий ечимлар ҳам ғоятда ўзига хосдир. Давлат марказлашган бошқарув тизимига эга бўлса-да, йўл

<sup>6</sup> Элькинбард Л. М., Гирина Т. С. Римское право как источник современного транспортного права // Научные проблемы военного транспорта. – 2013. – №. 36. – С.46

<sup>7</sup> История развития транспортных средств: учеб. пособие / Ю. Ф. Кайзер, А. В. Лысенко, Р. Б. Желужевич [и др.]. – Красноярск: Сиб. федер. ун-т, 2022. – 252 с.

<sup>8</sup> Корякин В. М. Генезис транспортного права России // Аграрное и земельное право. – 2016. – №. 3 (135). – С. 22



қурилиши ва логистика объектларини таъминлаш асосан шариатнинг “вақф” институти орқали амалга оширилган. Бадавлат савдогарлар, амирлар ва ҳаттоки оддий фуқаролар ўзларининг ерлари, дўконлари ёки боғларидан келадиган даромаднинг бир қисмини йўлларни таъмирлаш ва йўловчилар учун бепул хизмат кўрсатувчи работлар (карвонсаройлар) қуриш учун вақф сифатида абадий ажратиб қўйганлар. Вақф мулки дахлсиз ҳисобланиб, уни сотиш ёки бошқа мақсадларга йўналтириш қатъиян ман этилган<sup>9</sup>. Ушбу ҳуқуқий механизм ҳозирги замон давлат-хусусий шериклик ва инфратузилмани лойиҳавий молиялаштириш моделларининг илк тарихий аналоги бўлиб, транспорт йўлакларининг узлуксиз ва мустақил ишлашини таъминлаган, деган хулоса чиқаришимиз мумкин.

Савдо ва транспорт логистикасини молиялаштиришда шариатдаги “Мудораба” ва “Мушорака” (шерикчилик) шартномаларининг роли беқиёс бўлган<sup>10</sup>. Йирик трансминтақавий ташувлар улкан сармоя ва катта хавф-хатар талаб қилганлиги сабабли, бир томон сармоя (пул ёки товар) тиккан, иккинчи томон эса ўз меҳнати, транспорт воситалари ва тажрибаси билан иштирок этган. Ушбу ҳуқуқий конструкцияда фойда келишилган фоизларда бўлинган, аммо молиявий зарар (агар ташувчининг айби бўлмаса) фақат сармоядорга тушган. Бундай диспозитив нормалар транспорт хизматлари бозорига катта миқдордаги инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантирган ва ташувчиларнинг (сарбонларнинг) меҳнат ҳуқуқларини иқтисодий хавфлардан ҳимоя қилган<sup>11</sup>.

Транзит савдосидан ундириладиган солиқлар ва божлар масаласида шариат нормалари ва одат ҳуқуқи (хусусан, мўғулларнинг Ясо қоидалари)<sup>12</sup> ўртасида жиддий илмий баҳс-мунозаралар ва тарихий зиддиятлар мавжуд бўлган. Профессор Н.А.Духно транспорт соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда давлатнинг фискал вазифалари доимий равишда мураккаблашиб боришини таъкидлайди<sup>13</sup>. Ислом ҳуқуқшунослари (уламолар) савдогарлардан фақат шариатда белгиланган қонуний солиқларни (закот

<sup>9</sup> Валиева Н.А. Вақф тушунчаси ва тарихдаги вақф ташкилотлари ҳақида //Oriental Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 107-114.

<sup>10</sup> Xudoyorov F. Musharaka va Mudoraba: Islomiy moliya vositalari va ularning O‘zbekiston qonunchiligidagi oddiy shirkat shartnomasiga integratsiyasi //Elita. uz-Elektron Ilmiy Jurnal. – 2024. – Т. 2. – №. 1.

<sup>11</sup> Muxammadiyev K., O‘ralboyev D. Islom banklarining tarixi va rivojlanish bosqichlari //Modern education and development. – 2026. – Т. 41. – №. 4. – С. 53-59.

<sup>12</sup> Авлиякулов С.Х. X-XIV асрларда давлат хизматчиларига қўлланилган интизомий жазоларнинг аҳамияти //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 294-298.

<sup>13</sup> Духно Н. А. Транспорт и транспортное право: исторические взаимосвязи и перспективы //Мир транспорта. – 2019. – Т. 17. – №. 3. – С.51.

ва ушр)<sup>14</sup> ундириш тарафдори бўлишган ва карвонлардан олинадиган қўшимча транзит божларини (“тамға”, “бож”, “раҳдори”) ноқонуний (бидъат) деб ҳисоблашган<sup>15</sup>. Бироқ, маҳаллий ҳукмдорлар ва беклар транспорт инфратузилмасини сақлаш, йўлларда қуролли соқчилар хизматини молиялаштириш эҳтиёжи важлари билан одат ҳуқуқига таяниб, бундай йиғимларни сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Бу ҳолат, моҳиятан, транспорт тизимида соф диний-мафкуравий қарашлар ва давлатнинг реал логистик эҳтиёжлари ўртасидаги мураккаб ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Транспорт муносабатларида юзага келадиган низоларни ҳал этиш тизими ҳам иккиламчи юрисдикцияга асосланган. Йирик шаҳарлар ва марказий карвонсаройларда савдогарлар ҳамда транспорт хизматини кўрсатувчилар ўртасидаги мураккаб молиявий низолар, юкнинг бузилиши ёки йўқолиши билан боғлиқ ишлар Қозихоналарда, бевосита шариат нормалари асосида, гувоҳлар ва ёзма ҳужжатлар (масалан, юк хатларининг ибтидоий шакллари) таҳлили орқали кўриб чиқилган. Бироқ, сафар жараёнида, саҳро ёки тоғли ҳудудларда юз берган, масалан, йўловчилар ўртасидаги майда низолар карвон оқсоқоллари томонидан одат ҳуқуқи асосида жойида ҳал қилинган. Бу эса, транспорт-логистика жараёнларида қоғозбозликнинг олдини олиб, одил судловнинг тезкорлиги ва узлуксизлигини таъминлаган<sup>16</sup>.

Давлатнинг транспорт йўлларидаги хавфсизликни таъминлаш функцияси шариатнинг “Ас-сиёсат-уш-шаръия”<sup>17</sup> (исломий давлат бошқаруви) концепцияси доирасида қатъий белгиланган эди. Йўлтўсарлик, карвонларни талон-торож қилиш шариатда энг оғир жиноятлар сирасига киритилган бўлиб, бундай қилмишлар учун ўлим жазоси ёки қаттиқ сургун каби жазолар муқаррар бўлган. Ҳукмдорлар савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлашни нафақат иқтисодий зарурат, балки Яратган олдидаги диний мажбурият сифатида қабул қилганлар. Бу оммавий-ҳуқуқий нормалар хусусий-ҳуқуқий шартномалар билан биргаликда ўрта

<sup>14</sup> Саидмуродов Л.Х., Убайдуллоев Ф.К. Финансовая и социально-экономическая сущность «заката» согласно средневековым правовым школам // Финансово-экономический вестник. – 2022. – №. 1 (30). – С. 46-52.

<sup>15</sup> Маматкулов Д.А. Налоги и система налогообложения в эпоху Средневековья и Нового времени (к истории экономической жизни таджиков XVIII–XIX веков) // Паёми. – 1990. – С. 12.

<sup>16</sup> Сагдуллаев А., Мавлонов У. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи // Тошкент: Академия. – 2006. – 140 б.

<sup>17</sup> “Ас-сиёсат-уш-шаръия” (араб. السياسة الشرعية) – Ислом ҳуқуқшунослиги (фикх) ва ислом давлат бошқарувидаги энг муҳим фундаментал концепциялардан биридир. Унинг тўғридан-тўғри таржимаси “Шариатга асосланган сиёсат (бошқарув)” деган маънони англатади. Бу шунчаки назария эмас, балки асрлар давомида ислом дунёсида давлат аппарати, суд тизими ва иқтисодиётни юришнинг асосий ҳуқуқий базаси бўлиб хизмат қилган.



асрлардаги транспорт ҳуқуқининг ягона ва узвий пойдеворини ҳосил қилган<sup>18</sup>.

Замонавий ўзбек ҳуқуқшунослигида транспорт ҳуқуқини яхлит ва мустақил соҳа сифатида асослашга уринган олимлар, хусусан Д.Х. Юлдашев таъкидлаганидек, транспорт ҳуқуқи доимо фуқаролик, маъмурий ва халқаро муносабатларни ўзида мужассамлаштирган комплекс тармоқ сифатида намоён бўлади<sup>19</sup>. Ушбу концептуал назарияни ўрта асрлар даврига татбиқ этсак, шариат ва одат ҳуқуқининг ўзаро мутаносиблиги айнан шундай комплекс ёндашувнинг тарихий дебочаси бўлганлигини англаймиз. Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги транспорт муносабатлари қоғозда қолиб кетган мавҳум қоидалар эмас, балки қарвон хавфсизлиги, ишчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, таваккалчиликни адолатли тақсимлаш ва инфратузилмани молиялаштиришнинг ғоятда ҳаётий, диспозитив ва императив нормаларни ўзида бирлаштирган юксак даражадаги ҳуқуқий феномен эди. Бу тизим минтақани бир неча асрлар давомида Евроосиё қитъасининг энг барқарор ва жозибадор логистика марказига айлантиришда ҳал қилувчи ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

<sup>18</sup> Ayman Muhammad Haroush. Objectives of Islamic Political Theory // Journal of Islamic Sciences. – 2021. – Vol. 4. – No. 3. – P.70-85.

<sup>19</sup> Yuldashev D.X. Transport law as an independent branch of law: theoretical foundations, comparative analysis, and issues of improving Uzbekistan's legislation // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2026. – Vol. 6, Issue 2. – P. 2-5